O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2007 йил 4 декабрь, № 239 (4392) Сешанба

***Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Ислом Каримов 3 декабрь куни Қорақалпоғистон Республикаси сайловчилари билан учрашди.***

## ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ САЙЛОВЧИЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВИ

Тадбирни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 1-Қорақалпоғистон округ сайлов комиссияси раиси С.Кудайбергенов очди. Йиғилганлар номзоднинг дастури билан таништирилди. Дастурда мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ислоҳотларни изчил давом эттириш, демократияни мустаҳкамлаш, қонун устуворлиги ва ижтимоий адолатни таъминлаш, фермерликни, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, сармоявий муҳитни янада яхшилаш, солиқ юкини камайтириш, ишлаб чиқаришга юқори технологияларни кенг жорий этиш, халқнинг турмуш фаровонлигини янада ошириш каби муҳим масалалар ўз ифодасини топган.

Учрашувда Ислом Каримов нутқ сўзлади.

Мамлакатимиз ҳаётининг барча соҳаларида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ўзининг юксак самараларини бермоқда. Иқтисодиётимиз ва халқимиз фаровонлиги тобора юксалмоқда. Пенсия таъминоти тизими такомиллашиб, пенсия ва ижтимоий нафақалар миқдори, аҳолининг реал даромадлари изчил оширилмоқда. Мамлакатни модернизация қилиш ва демократлаштириш, иқтисодий ва сиёсий соҳаларни либераллаштириш жараёнлари узлуксиз давом этмоқда. Буларнинг барчаси олиб борилаётган ислоҳотларнинг самарадорлигига алоҳида эътибор қаратилаётгани, халқ фаровонлиги ва даромадларини ошириб боришга доир стратегик вазифалар изчил амалга оширилаётганининг амалий ифодаларидир.

Ислом Каримов мамлакатимиз иқтисодиётида Қорақалпоғистон Республикасининг муносиб ўрни борлигини таъкидлади. Қўнғирот сода заводи, Хўжайли шиша заводи, "Марказий Осиё безак тошлари" қўшма корхонаси, Нукусдаги мармар ва кабель заводлари, Урга газ кони, шунингдек, тўқимачилик мажмуаларида ишлаб чиқариш самарадорлиги ортмоқда. Қорақалпоғистон Республикаси иқтисодиёти ва ижтимоий ҳаётидаги янгиланишлар, қўлга киритилаётган ютуқлар шу замин аҳлининг фидокорона меҳнати маҳсули эканини қайд этди.

Учрашувда сўзга чиққан Қорақалпоғистон Республикаси Маънавият тарғибот маркази раиси Улмамбет Хўжаназаров, Элликқалъа туманидаги "Фарҳод Қўшназаров" фермер хўжалиги раиси Халилла Қўшназаров, Ўзбекистон Қаҳрамони Ағитай Адилов, Қорақалпоқ давлат университети талабаси Лола Маҳамматдинова ва бошқалар юртимизда тинчлик ва осойишталик ҳамда ижтимоий-сиёсий барқарорликнинг таъминланиши, иқтисодиётни ривожлантириш, мамлакатимизнинг халқаро миқёсдаги нуфузини ошириш, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш борасида амалга оширилган бекиёс ишлар бевосита Ислом Каримов номи билан боғлиқ эканини алоҳида қайд этдилар. Ислом Каримов номзодини қўллаб-қувватлаш мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотларни бундан кейин ҳам изчил давом эттириш, иқтисодиётни ривожлантириш, халқимизнинг турмуш фаровонлигини янада юксалтириш сингари долзарб масалаларни амалга оширишда муҳим кафолат бўлишини таъкидладилар.

**В. ЛУҚМОНОВ,**
**А. ОРТИҚБОЕВ,**
**ЎзА махсус мухбирлари.**

***Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Дилором Тошмуҳамедова 3 декабрь куни Қашқадарё вилояти сайловчилари билан учрашди.***

## ДИЛОРОМ ТОШМУҲАМЕДОВАНИНГ ҚАШҚАДАРЁЛИК САЙЛОВЧИЛАР БИЛАН УЧРАШУВИ

Учрашувни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 14-Қашқадарё округ сайлов комиссиясининг раиси Н.Янгибоев очди. Президентликка номзоднинг ишончли вакили, «Адолат» СДП вилоят кенгаши биринчи котиби А.Аҳмедов йиғилганларни номзоднинг таржимаи ҳоли ва дастури билан таништирди. Дастурда мустақиллик йилларида мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ўз самарасини бераётгани, мамлакатимиз иқтисодиёти ва халқимиз фаровонлиги юксалиб бораётгани таъкидланган. Иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, фан, таълим, соғлиқни сақлаш, маънавий-маърифий соҳалардаги ислоҳотлар чуқурлашиб, хотин-қизларнинг жамиятдаги мавқеи тобора мустаҳкамланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Д. Тошмуҳамедова нутқ сўзлади.

Учрашувда сўзга чиққан Қарши туманидаги «Мустақиллик» қишлоқ врачлик пункти мудираси Муқаддас Мирсаидова, «Кўчмас мулк ва сармоялар агентлиги» МЧЖ директори Зокир Раҳимов, Қарши шаҳар «Маҳсумобод» маҳалла фуқаролар йиғини раиси ўринбосари Эркин Хўжақулов, вилоят адвокатлар уюшмаси раиси ўринбосари Норсафар Норматов ва бошқалар Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови кўппартиявийлик ва муқобиллик асосида ўтаётгани мамлакатимизда демократия тамойилларига амал қилинаётганидан, миллий сайлов тизимимиз халқаро нормаларга тўла мос келишидан далолат эканлигини алоҳида қайд этдилар. Сайловчиларни 2007 йил 23 декабрь куни бўладиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида фаол иштирок этишга чақирдилар.

**А. МУҲАММАДИЕВ,**
**ЎзА мухбири.**



## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ЎН ИККИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА

## АХБОРОТ

***2007 йил 1 декабрь куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн иккинчи ялпи мажлиси ўз ишини давом эттирди.***

Парламент юқори палатаси аъзолари ўз ишларини Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2007 йил 23 январдаги ПҚ–573-сонли Қарори билан тасдиқланган «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастурига мувофиқ ишлаб чиқилган «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини кўриб чиқишдан бошладилар. Сенаторлар таъкидлаганидек, Қонуннинг асосий мақсади бола ҳуқуқлари соҳасидаги муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш механизмини такомиллаштириш йўли билан болаларни, шу жумладан, етим болаларни ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоя қилишнинг амалдаги тизими самарадорлигини оширишдан иборатдир. Мазкур Қонуннинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, у Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияда, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларида назарда тутилган бола ҳуқуқларининг барча асосий ва қўшимча кафолатларини жамлаган тарзда мужассам этади ҳамда мустаҳкамлайди.

Манзил-колония ҳудудини ўзбошимчалик билан ташлаб кетган маҳкумга нисбатан уни сақлаш режимини ўзгартириш тартибини такомиллаштиришга қаратилган «Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 542-моддасига қўшимча ва Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодексининг 61-моддасига ўзгартиш киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳам сенаторлар томонидан кўриб чиқилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг «Ҳукм, ажрим ва қарорни ижро этиш билан боғлиқ масалаларни ҳал қилиш тартиби» деб номланган 542-моддаси жазони ижро этиш муассасаси ҳудудини ёки маъмуриятнинг йўлланмаси бўйича ўзи туриши лозим бўлган бошқа жойни ўзбошимчалик билан ташлаб кетган маҳкумни манзил-колониядан бошқа тартибли колонияга ўтказиш тўғрисидаги масала прокурорнинг илтимосномасига биноан суд томонидан кўриб чиқилишини назарда тутувчи иккинчи қисм билан тўлдирилмоқда. Маҳкумнинг судда ҳозир бўлишини таъминлаш имконияти бўлмаган тақдирда, мазкур масала суд томонидан маҳкумнинг иштирокисиз кўриб чиқилади. Шу билан бирга маҳкумни қамоққа олиш ва унга нисбатан қидирув эълон қилиш ҳақидаги масала суд томонидан ҳал қилиниши мумкин.

Шундан кейин парламент юқори палатаси аъзолари Ўзбекистон Республикасининг халқаро ҳамкорлик соҳасига доир қатор ҳуқуқий ҳужжатларни кўриб чиқдилар ва маъқулладилар. Булардан бири «Ўзбекистон Республикасининг Почта тўловлари хизматлари тўғрисидаги Битимга (Бухарест, 2004 йил 5 октябрь) қўшилиши ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунидир.

Почта алоқаларини йўлга қўйиш ва такомиллаштиришни таъминлаш ҳамда бу соҳада халқаро ҳамкорликни ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш мақсадини кўзловчи Умумжаҳон почта иттифоқига Ўзбекистон Республикаси 1994 йилдан бери тўла ҳуқуқли аъзодир.

Мазкур Иттифоқнинг почта тўловлари хизматлари тўғрисидаги битими пул маблағларини жўнатиш ва етказиб бериш билан боғлиқ почта хизматларини тартибга солади.

Сенаторлар «Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Покистон Ислом Республикаси Ҳукумати ўртасида жиноий ишлар бўйича ўзаро ҳуқуқий ёрдам тўғрисида Шартномани (Тошкент, 2007 йил 14 март) ратификация қилиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини ҳам кўриб чиқдилар. Шартнома ҳар иккала томоннинг жиноят тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган, жазога тортилишга мустаҳиқ ҳар қандай ҳуқуқбузарликка нисбатан жиноят ишлари бўйича тергов олиб бориш, жиноий таъқиб қилиш ёки суд ишларини юритишда бир-бирларига ёрдам беришга йўналтирилган бўлиб, унда ўзаро ҳуқуқий ёрдам турлари, Томонларнинг ваколатли марказий органлари, сўралаётган ҳужжатларни тақдим этиш муддатлари тўғрисидаги аниқ қоидалар бор.

Шундан кейин «Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Покистон Ислом Республикаси Ҳукумати ўртасида транспорт ва товарлар транзити соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги Битимни (Тошкент, 2007 йил 14 март) ратификация қилиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни кўриб чиқилди. Уни муҳокама қилиш асносида сенаторлар мазкур Битим ҳар иккала мамлакат ўртасида юк транспорти қатновини, шунингдек, учинчи мамлакат орқали транзитни амалга оширишни осонлаштириш мақсадида транспорт ҳамда товарлар транзити соҳасидаги ҳамкорлик масалаларини тартибга солишга қаратилганлигини таъкидладилар.

«Номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш тўғрисидаги халқаро конвенцияни (Париж, 2003 йил 17 октябрь) ратификация қилиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳам сенаторлар томонидан кўриб чиқилди. Ушбу Қонунни қабул қилиш замирида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Маориф, фан ва маданият масалалари бўйича шуғулланувчи ташкилоти (ЮНЕСКО) Бош конференциясида 2003 йил 17 октябрда қабул қилинган Номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш тўғрисидаги халқаро конвенцияни ратификация қилиш мақсади мужассам деб айтилди муҳокама мобайнида. Конвенция 2006 йилнинг 20 апрелидан кучга кирган бўлиб, ҳозирги вақтда 78 давлат ушбу Конвенция иштирокчисидир.

(Давоми 2-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ
ҚАРОРИ

## Ўзбекистон Республикаси Олий суди таркибига ўзгартишлар киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси этиб сайлансин:

Қувандик Қудратович **Мамарахимов**
Гульнора Мухтаровна **Мирзаалимова**
Гульчехра Базаровна **Наркулова**
Маъруфжон Маматожиевич **Тажибоев**
Уткир Шомуродович **Холов**

2. Қаҳрамон Ирисалиевич **Исаров** берган аризасига биноан Ўзбекистон Республикаси Олий судининг раиси ўринбосари вазифасидан озод қилинсин.

3. Собиржон Абдуллаевич **Исмоилов** берган аризасига биноан Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси вазифасидан озод қилинсин.

4. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикаси**
**Олий Мажлиси Сенатининг Раиси И. СОБИРОВ**

Тошкент шаҳри,
2007 йил 1 декабрь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ
ҚАРОРИ

## Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди таркибига ўзгартишлар киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Дилмурад Ахмадуллаевич **Мирзакаримов** Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди раисининг ўринбосари этиб сайлансин.

2. Мансур Рузибаевич **Хасанбаев** бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг судьяси вазифасидан озод қилинсин.

3. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикаси**
**Олий Мажлиси Сенатининг Раиси И. СОБИРОВ**

Тошкент шаҳри,
2007 йил 1 декабрь

## ЁШЛАРГА ҚАНОТ БЎЛАЁТГАН ТАНЛОВ

***1 декабрь куни пойтахтимиздаги Халқлар дўстлиги саройида "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси ҳамда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорлигида ташкил этилган "Келажак овози — 2007" республика ёшлар танлови ғолибларини тантанали тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.***

***Шу муносабат билан бу ерга талаба-ёшлар, уларнинг ўқитувчи ва мураббийлари, ота-оналар, жамоатчилик вакиллари таклиф этилди.***



(Давоми 4-бетда).

***Ўзбекистонда мустақилликнинг илк кунларидан бошлаб «Инсон — бош қадрият», деб эътироф этиб келинмоқда. Шу боисдан, иқтисод ва давлат бошқарувини ўзгартиришга, янгилашга қаратилган ислоҳотлар жараёнида халқни ижтимоий ҳимоялаш, изчил ва кучли ижтимоий сиёсат олиб бориш — тараққиётимизнинг олтин қоидаларидан бири даражасига кўтарилди. «Ижтимоий ҳимоя йили» ана шу олийжаноб сиёсатнинг мантиқий давомидир.***

**2007 йил — Ижтимоий ҳимоя йили**

***Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазири вазифасини бажарувчи Актам ҲАИТОВ билан суҳбатимиз ана шу ўзига хос йилнинг натижаларига бағишланди.***

## КУЧЛИ ИЖТИМОИЙ СИЁСАТ — УСТУВОР ЙЎНАЛИШ

**— Мустақилликнинг ўтган йиллари мобайнида ислоҳотлар жараёнида кучли ижтимоий сиёсат олиб борилишидан ташқари, бундай тараққиёт тамойилининг ҳуқуқий-қонуний негизларини мустаҳкамлаш, унга барқарор стратегик фаолият тусини бериш борасида катта ишлар қилинди. Шу билан бирга, ҳаёт тўхтовсиз олдинга одимлаяпти. Пировардида, аҳолини ижтимоий ҳимоялашга оид қонунчилик ҳам ривожланиб бориши табиий. «Ижтимоий ҳимоя йили»да бу йўналишда қандай иш олиб борилди?**

— Истиқлол даврида мамлакатимиз аҳолисини ижтимоий қўллаб-қувватлашга оид 30 дан ортиқ қонунлар яратилди ва улар амалиётда кенг қўлланилмоқда. «Ижтимоий ҳимоя йили»даги қонунчилик фаолиятига назар ташласак, бу борада Президентимизнинг «Ижтимоий ҳимоя йили»нинг ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий пойдеворига айланган қатор фармонлари ва қарорларини келтириш жоиз. Давлатимиз раҳбарининг 2007 йилнинг 23 январи-

(Давоми 2-бетда).

## ИНСОНПАРВАРЛИК ИФОДАСИ

*Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ўз мазмун-моҳияти жиҳатидан халқчил, серқирралиги билан жамият ва давлат ривожининг барча соҳаларини ўзида акс эттиргани, халқаро ҳуқуқ талабларига тўлиқ мос экани билан ҳам диққатга молик. Зеро, "Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида"ги халқаро пактнинг учинчи бўлимида "Амнистия, афв этиш ҳамма ҳолларда инсонга туҳфа этилиши мумкин", деган қоида мавжуд. Халқаро ҳуқуқнинг асосий манбаларидан бири саналган мазкур ҳужжатдаги бундай қоидалар Республикамиз Конституцияси ва қонунларида ўз аксини топган. Хусусан, Конституциямизнинг 90-моддасида Ўзбекистон Республикаси Президенти ваколатларидан бири амнистия тўғрисидаги ҳужжатларни қабул қилиш ҳақида Сенатга тақдимнома киритиш экани ўз аксини топган.*

*Ўтган ҳафта Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан Конституциямиз қабул қилинганлигининг 15 йиллиги муносабати билан парламент юқори палатасининг амнистия тўғрисидаги қарори эълон қилинди. Айнан ушбу ҳужжат бугунги кунда юртдошларимиз орасида катта акс-садо берди. Буни таҳририятимизга келаётган мактублар, телефон-қўнғироқларидан ҳам билиш мумкин. Қуйида уларнинг айримларини эътиборингизга ҳавола қиламиз.*

### Мурувватнинг баҳоси бўлмас

Мамлакатимиз халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган қоидалари устунлигини эътироф этиб, инсонпарварлик тамойили шартлари, талаблари, шунингдек, ўзбек давлатчилиги ривожининг тарихий тажрибасига таянган ҳолда ўз сиёсатини, ислоҳотларини амалга ошириб келмоқда. Айниқса, 2008 йилдан ўлим жазосининг бекор қилиниши, қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқининг судларга ўтказилаётгани бу борадаги ислоҳотларимиз нечоғли салмоқли эканлигини кўрсатиб турибди.

**Муносабат**

Олий Мажлис Сенати Конституциямизда акс эттирилган ваколатидан фойдаланган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн беш йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисидаги қарорни қабул қилди. Бу Қарорнинг қабул қилиниши юзлаб ота-оналарнинг ўз оилаларига қайтиши, кўзлари термулиб, интизор кутаётган фарзандлари бошида бўлишини англатади. Ўз навбатида, яна юзлаб фарзандлар ота-оналари бағрига қайтади. Аёллар, 60 ёшдан ошган эркаклар ёки чет эл фуқаролари ҳам яқинлари, энг муҳими, жамият аъзолари билан дийдор кўришиш имконига эга бўлади.

(Давоми 3-бетда).

«ХАЛҚ СЎЗИ» ГАЗЕТАСИГА 2008 ЙИЛ УЧУН ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА. ОБУНАНИ ЎЗ ВАҚТИДА РАСМИЙЛАШТИРИШНИ УНУТМАДИНГИЗМИ? Нашр кўрсаткичимиз — 229

## ЖАҲОН 24 соат ичида

### Илк натижалар



***Якшанба куни Россияда парламентнинг қуйи палатаси — Давлат Думасига навбатдаги сайлов бўлиб ўтди.***

Сўнгги маълумотларга қараганда, унда «Единая Россия» партияси 64,1 фоиз, коммунистлар 11,6 фоиз, ЛДПР 8,2 фоиз ва «Справедливая Россия» партияси 7,8 фоиз овоз олишга муваффақ бўлган. Қолган партиялар эса 7 фоизлик чегарадан ўта олмаган.

Сайловда сайлаш ҳуқуқига эга бўлган аҳолининг 62 фоизи қатнашди.

### Шахтада яна портлаш



Украинанинг Донецк вилоятидаги Засядько номли шахтада яна портлаш рўй берди. Бу пайтда шахтада қутқарувчилар ишлашаётган эди. Портлаш натижасида 5 нафар қутқарувчи ҳалок бўлди, 30 нафар шахта ишчиси турли даражада жароҳат олиб, касалхонага ётқизилди.

«Интерфакс» хабарида айтилишича, кеча шахтага мамлакат Бош вазири Виктор Янукович келган ва вазият билан танишган.

### Маҳбуслар озод этилди

Исроил кеча фаластинлик 429 маҳбусни озод қилди. «AFP» хабарига қараганда, маҳбуслар минган биринчи автобус эрталаб соат 04:00 да Нежеф қамоқхонасидан чиқиб, Фаластин мухторияти чегараси сари йўл олди. Озод бўлганларнинг 20 нафари Фаластиннинг Ғазо секторига, қолганлари эса Иордан дарёсининг ғарбий қирғоғига етказиб қўйилди.

Исроил ҳукумати Аннаполисдаги Яқин Шарқда тинчлик ўрнатиш масаласига бағишлаган халқаро конференциядан сўнг шундай қарорга келди. Озодликка чиққанларнинг асосий қисми Фаластин мухторияти раҳбари Маҳмуд Аббоснинг ФАТХ партияси аъзоларидир.

### Корхона қурмоқчи



***Европанинг «Airbus» самолётсозлик компанияси АҚШда ҳаво кемасини йиғадиган корхона қурмоқчи.***

«AFP» хабарида айтилишича, евро курсининг долларга нисбатан кўтарилиб кетиши туфайли пайдо бўлган иқтисодий муаммоларни корхона шу йўл билан ҳал этмоқчи.

Корхонанинг барча заводлари Европада жойлашган ва ишчилар еврода маош олади. Самолётлар эса долларда сотилади. Шунинг учун компания ишчи кучи арзон жойларда ҳам йиғиш корхоналари қурмоқчи. Биринчи шундай корхона 2011 йилда Хитойда ишга тушади.

### 5250 долларлик кўзойнак

***Лос-Анжелесда машҳур қўшиқчи, рок-мусиқачи Оззи Осборнанинг кийимлари ва буюмлари кимошди савдосида сотилди. «AFP» хабарига қараганда, аукционда 800 минг долларлик савдо бўлган.***



Санъаткорнинг кофе ичадиган идиши 1625, оёқ кийими 2625 АҚШ долларига сотилган. Унинг қуёшдан ҳимоя қиладиган кўзойнагига харидор 5250 АҚШ доллари тўлаган.

«Кимошди» савдосида мусиқачининг жами 500 буюми сотилди. Савдода 15 мамлакатдан 4 минг нафар харидор иштирок этди. Хабарларга қараганда, аукциондан тушган пул турли инсонпарварлик жамғармаларига ўтказилади.

***Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.***

***Кадрларни самарали бошқариш — бозор иқтисодиёти шароитида ташкилот ёки муассаса рақобатбардошлигининг негизи ҳисобланади. Кадрлар сиёсатининг асосий мақсади эса мижозларнинг ишончли ҳамкори бўлиш билан бир қаторда уларга замонавий сифатли банк маҳсулотлари мажмуасини ва самарали молиявий ечимларни таклиф этиш ҳамда жаҳон андозаларига мос хизмат кўрсатишдан иборатдир. Ҳозирги кунда «Асака» давлат-акциядорлик тижорат банкида айнан ушбу мезонларга жавоб берадиган мустаҳкам меҳнат жамоасини шакллантириш йўлида муайян ишлар амалга оширилмоқда.***

# МАЛАКАЛИ КАДРЛАР — БАНК ТАЯНЧИ

«Асака» банки республикамизда йирик ва нуфузли молия муассасаларидан бири. Ҳозирги кунда вилоят, шаҳар ва туманларда банкнинг 27 филиали, 80 дан ортиқ мини банки фаол ишлаб турибди. Зеро, мамлакатимиз халқ хўжалигининг асосий йўналишлари бўлмиш автомобилсозлик, нефть, газ, энергетика, транспорт, алоқа, енгил саноат, қурилиш материаллари, фармсаноат, агросаноат ва фермерлар ҳаракати, маиший ва бошқа сервис хизматларининг ривожланиши «Асака» банк фаолияти билан чамбарчас боғлиқ.

Ходимларнинг савияси, билими, тажрибаси банк хизматларини янада такомиллаштириш ҳамда унинг самарадорлигини оширишнинг бош йўлидир. Айниқса, жаҳондаги илғор молиявий институтлар стандартларини ўрганиш ва уни ўзлаштириш банк раҳбар кадрларининг ўз устида доимий ишлашини талаб қилади. Бу эса «Асака» банки раҳбариятининг доимий эътиборидадир, қолаверса, ушбу йўналишда банкда маълум тажриба ҳам тўпланган.

Хусусийлаштириш жараёнига тайёргарлик ҳамда кадрларнинг сифат таркибини яхшилаш мақсадида ўтган йил амалга оширилган аҳамиятли ишлардан бири — бу «Асака» банк тизими ходимларининг навбатдаги аттестациядан ўтказилишидир. Аттестация жараёнида муайян мезонлар, хусусан, ходимларнинг касбий таянч маълумоти, мутахассислик малакаси, банк соҳасидаги тажрибаси баҳоланиб, лавозимига мувофиқлиги кўриб чиқилди.

Тизимни етук мутахассислар билан таъминлаш ва кадрлар сифат таркибини такомиллаштириш мақсадида банк ходимларини ўқитиш ва малакасини оширишга ҳам доимий эътибор бериб келинмоқда. Хусусан, банкнинг ушбу масала бўйича «Мутахассисларнинг касб маданияти, малакаси ва билимини ошириш дастури» мавжуд ва амалда унинг ижроси таъминланмоқда. Тизимда банк илмий салоҳиятининг кўрсатгичи бўлган бир неча фан номзоди, илмий тадқиқотчилар, «Истеъдод» жамғармаси йўналиши бўйича Европа, Осиё ва бошқа хорижий мамлакатларнинг нуфузли ўқув муассасаларида таълим олган, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси ва унинг қошидаги Олий бизнес мактабини, Ўзбекистон Банк-молия академиясини тамомлаган бир қатор мутахассислар ишлашмоқда.

Шунингдек, ҳукуматимизнинг жорий йилнинг январидаги қарори асосида банк вилоят филиалларининг 5 нафар ходими февраль ва май ойларида Сингапурда малака ошириб келишди. Эндиликда уларнинг айримлари ҳудудий филиаллар-

**▼ Молия муассасаларида**

да бошқарувчи ёки ўринбосар бўлиб ишлашмоқда. Айни пайтда ҳам банкнинг яна 5 нафар иқтидорли мутахассиси Сингапурдаги банк тизимларида малака оширмоқда.

Банкнинг кадрлар захирасини мустаҳкамлаш — долзарб масала. Юқоридаги чора-тадбирлар натижаси ўлароқ, бугунги кунда «Асака» банки таркибий тузилмаларида олий маълумотли, етук тажрибага эга бўлган истиқболли кадрлар захираси мавжуд. Раҳбарлик захирасидаги ходимларнинг ҳар бири ўз билим ва касбий малакасини индивидуал режа асосида бойитиб бормоқда. Банк бошқарувининг йилига икки маротаба ўтказиладиган ўқув машғулотлари бу борада яхши самара бераётир. Қолаверса, ёш кадрларнинг малакасини оширишда банк-молия соҳасидаги янги қонун ва дастурлар, республика Президентининг фармонлари, ҳукумат қарорлари, Марказий банкнинг янги меъёрий ҳужжатларини ўзлаштириш ва амалиётга татбиқ этиш мақсадида ўтказилаётган семинар-тренингларнинг ҳам ҳиссаси каттадир. Ушбу ўқувларга республика Марказий банки, Банк-молия ва Солиқ академиялари, Олий хўжалик суди ва бошқа ташкилотлардан тажрибали мутахассислар таклиф этилмоқда. Масалан, яқинда «Асака» банки ҳудудий филиалларининг раҳбарлик лавозимлар захирасига киритилган 60 нафардан ортиқ номзод билан семинар ўтказилди. Унга Марказий банк, Банк-молия академиясининг етакчи илмий-педагогик мутахассислари ҳам жалб қилинди. Семинарда мамлакатимиз Президентининг банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш, такомиллаштиришга йўналтирилган фармонлари, хусусан, жорий йилнинг 7 ноябрида эълон қилинган «Банк тизимини янада ривожлантириш ва бўш пул маблағларини банк айланмасига жалб этиш тўғрисида»ги Қарорининг мазмун-моҳияти юзасидан батафсил тушунчалар берилди ва ундан келиб чиқадиган вазифалар ва масалаларнинг ечимига эътибор қаратилди.

Вилоят, шаҳар ва туманлар филиалларининг захирадаги раҳбарлари замонавий банк технологияларини ўрганиш билан бирга пойтахтдаги «Ўзэкспомарказ»да ҳам тез-тез бўлишади. Бу ерда улар қайта ишлаш корхоналарига сув ва ҳаводай зарур бўлган янги техника ва технологиялар билан танишадилар. Бундай билим ва ахборот уларга янги инвестицион лойиҳаларни ўзлаштириш, кичик бизнес, хусусий тадбиркорлар ва фермерлар фаолиятини молиялаштириш борасидаги ёндашувларда катта ёрдам беради.

Кадрларнинг касб маҳоратини доимий ошириб боришда, банк қошида 2000 йилдан бери фаолият юритаётган ўқув марказининг алоҳида ўрни бор. Бу ерда мутахассисларни, айниқса, вилоят филиаллари ходимларини, илғор банк технологиялари ҳақидаги ахборотлар билан қуроллантириш ва шу асնода уларнинг малакасини ошириш мақсадида семинарлар ўтказиб борилади. Шунингдек, бош офиснинг тегишли департаментларида уларнинг малака ошириш амалиётлари ҳамда ротацияси ташкил этилади.

Бундан ташқари «Асака» банк тизимида маънавий-маърифий соҳага ҳам алоҳида эътибор берилади. Бу борада махсус дастур — «Ходимлар ўртасида олиб бориладиган маънавий-маърифий иш ва тадбирлар режаси» ишлаб чиқилган. Унга кўра, банк тизимида миллий истиқлол ғояларини ҳаётга татбиқ этиш, маънавий-ахлоқий муҳитни яхшилаш, ходимларни ўз касбига садоқат руҳида тарбиялаш ва уларнинг ҳуқуқий онгини оширишга оид чора-тадбирлар белгиланган ва ижро этиб келинмоқда. Масалан, яқинда «Асака» банкда ишлаётган ёш ходимларнинг Республика «Маънавият ва маърифат» кенгаши тарғибот марказининг бир гуруҳ сиёсатшунос олимлари билан давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда мамлакатимизда ўтказилажак муҳим сиёсий воқеа — Ўзбекистон Республикаси Президентлигига сайловларнинг моҳияти, юртимизда кечаётган сиёсий ислоҳотларнинг жараёни, сайловларга оид қонунлар, сайловлардаги фуқароларнинг роли ва бурчи, давлатимиз ҳуқуқий асослари ва миллий қадриятларимиз масалалари хусусида эркин суҳбатлашув бўлди.

Ҳар қандай хайрли иш беиз кетмайди, дейдилар. Бугун шуни қувонч билан айтишимиз мумкинки, ўтган давр мобайнида амалга оширилган ишлар натижаси ўлароқ, Осиё ва Тинч океани минтақасини ривожлантириш молия институтлари ассоциацияси (АФИРАТО) томонидан ўтказилган танловда «Асака» банки «Банк кадрларининг салоҳиятини ривожлантириш ва малакасини ошириш» номинацияси бўйича ғолиб, деб топилди. Бу, табиийки, банкнинг кадрлар йўналишида тўғри йўлдан кетаётганлигидан далолатдир.

Аслида ҳам мазкур номинация моҳиятини белгиловчи мезонлар, хусусан, мустаҳкам банк жамоасини шакллантириш, ходимларнинг касб маҳорати ва малакасини ошириш ва уларни рағбатлантириш тизими банк кадрлар сиёсатининг мазмунини ташкил этади. Ҳозирда ҳам бу аҳил жамоа банкнинг барқарор ривожланиши ҳамда молиявий қудратини янада юксалтириш мақсадида жаҳоннинг етакчи молия институтлари фаолиятининг андозалари ва илғор технологияларини ўзлаштиришга ҳаракат қилишмоқда. Алалоқибат, бу ўз самарасини бермоқда.

Дарҳақиқат, малакали кадрлар банк таянчидир. Касбий билим ва юксак малакага эга бўлган жамоа бугун ўз йўналиши бўйича дадил одимламоқда. Бозор иқтисодиётининг миллий хусусиятларини эътиборга олган ҳолда, етук халқаро молиявий ташкилотларнинг амалиёти ва илғор тажрибасини банк тизимига уйғунлик билан татбиқ этиш, ишонамизки, «Асака» банкининг истиқболдаги рақобат мавқеини мустаҳкамлашга салмоқли ҳисса қўшади.

**Банкнинг ходимлар билан ишлаш бошқармаси.**

# ИНСОНПАРВАРЛИК ИФОДАСИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ушбу Қарор Конституциямиз байрами арафасида неча-неча хонадонларга севинч, бағри бутунликни олиб келмоқда. Адашган тақдирларга ҳидоят йўлини кўрсатмоқда. Унинг тимсолида инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари жамиятимизда олий қадрият эканлиги яна бир бор амалда ўз исботини топаётир.

**Гулсанам ШОКАРИМОВА,**
**Чуст тумани "Гулшан" фермер хўжалиги раҳбари, Олий Мажлис Сенати аъзоси.**

### Бағрикенглик

Кечиримлилик, бағрикенгликни халқимиз ҳамиша қадрлаб келган. Бу хислатлар комилликнинг энг муҳим жиҳатларидан биридир. Инсон ҳам, жамият ҳам камолга етгани сайин ўзида атрофидагиларга нисбатан меҳрибонлик, ғамхўрлик, кечиримлилик туйғуларини тўлароқ мужассамлаштириб боради.

Ҳаёт жуда мураккаб. Унинг пиллапояларида инсон билиб-билмай қоқилиши, адашиши, гуноҳкор бўлиб қолиши мумкин. Жиноят учун жазо муқаррар. Лекин жазодан кўзланган мақсад — тарбиядир. Хатосини тушуниб етган, тўғри йўлга киришни астойдил истаган кишини кечирмоқ, афв этмоқ, уни жамиятдан ажратмасдан оиласи бағрига қайтармоқ ҳам адолатли иш ҳисобланади. Онгли равишда жиноят йўлига кирган, ўзини жамиятга қарши қўйган, иймон-эътиқод йўлидан қайтган жиноятчининг йўриғи бошқа. Амнистия ундайларга тааллуқли эмаслиги Олий Мажлис Сенати томонидан куни кеча қабул қилинган қарорда ҳам алоҳида таъкидланган.

Булар барчаси мамлакатимизда ҳуқуқий-демократик жамият тамойиллари тобора чуқурроқ илдиз отиб бораётганлигининг яна бир ёрқин намойишидир. Амнистия туфайли озодликка чиққан кишиларни учратиб тураман. Уларнинг эркин ҳаётга қайтганлигидан шодлигини сўз билан таърифлаш қийин.

**Анвар ХЎЖАҚУЛОВ,**
**Қашқадарё вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги муқаддам судланганларни ижтимоий ҳимоя қилиш кўникма маркази раҳбари.**

***Тошкентда 28 ноябрь — 1 декабрь кунлари "Россия-Ўзбекистон: стратегик ҳамкорлик" мавзуида Россия миллий кўргазмаси бўлиб ўтди.***

# РОССИЯ МИЛЛИЙ КЎРГАЗМАСИ ЯКУНЛАНДИ

Тадбир Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Россия Федерацияси Иқтисодий ривожланиш ва савдо вазирлиги ҳамда икки мамлакатнинг Савдо-саноат палаталари билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Бугунги кунда Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги ҳамкорлик барча соҳаларда изчил ривожланмоқда. Президентлар Ислом Каримов ва Владимир Путин томонидан 2005 йилда имзоланган Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартнома мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни янада юқори босқичга кўтариш, алоқаларимизни янги мазмун билан бойитишда муҳим омил бўлаётир.

Икки мамлакат ўртасидаги ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 2006 йилда 42 фоиз ўсиб, уч миллиард АҚШ долларидан ошди. Жорий йилнинг январь-сентябрь ойларида эса мазкур кўрсаткич салкам уч миллиард АҚШ долларини ташкил этди. Экспорт ва импортнинг таркиби кенгайиб, салмоғи ортиб бормоқда.

Савдо-иқтисодий ҳамкорлик асосан авиасозлик, машинасозлик, озиқ-овқат, ёғочни қайта ишлаш саноати, қишлоқ хўжалиги, энергетика, электротехника, соғлиқни сақлаш, фармацевтика каби соҳаларда жадал ривожланмоқда. Нефть-газ, тоғ-кон саноати, қора ва рангли металлургия ҳам устувор тармоқлардир. Бундан ташқари, телекоммуникация ва дастурий таъминот, кимё, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, тўқимачилик, сайёҳлик соҳаларидаги алоқаларнинг истиқболи порлоқ. Шунингдек, сармоявий ҳамкорлик ҳам кенгаймоқда. Ўзбекистонда россиялик сармоядорлар билан ҳамкорликда ташкил қилинган корхоналар сони беш юздан ошади. Юртимизда Россиянинг 145 фирма ва компанияси ўз ваколатхонасини очган. Россияда эса Ўзбекистон сармоядорлари билан биргаликда тузилган уч юзга яқин қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда.

Россия миллий кўргазмаси мамлакатларимиз ўртасида ўзаро савдо-иқтисодий, сармоявий, гуманитар, фан-таълим каби соҳалардаги алоқаларни янада мустаҳкамлаш ҳамда Ўзбекистон-Россия ишбилармонлари ҳамкорлигининг янги имкониятларини ишга солиш имконини берди. Унда Россиянинг ўн етти субъектидан — Пенза, Самара, Тюмен, Ульяновск, Свердловск, Омск, Ярослав, Волгоград, Томск, Челябинск, Саратов, Ленинград, Новосибирск, Нижегород, Оренбург вилоятлари ҳамда Олтой ўлкаси ва Чуваш Республикасидан "Инфотранс", "Челябинск трактор заводи-УРАЛТРАК", "Радиозавод", "Лукойл", "Микран", "Эскорт", "Асбестоцемент", "Лепсе", "Пензмаш" каби икки юзга яқин йирик компания ва корхоналари ўз маҳсулотлари билан иштирок этди.

Кўргазмада Россия корхоналарида замонавий технологиялар асосида ишлаб чиқарилган оғир юк ташувчи ва енгил автомобиллар, трактор ва комбайнлар, қишлоқ хўжалиги техникаси, нефть-газ, мебель ва мебель фурнитураси, фармацевтика, қандолат маҳсулотлари, металлургия, қурилиш материаллари, кимё, кончилик ва саноатнинг бошқа тармоқларида ишлатиладиган ускуналар, иқтисодиётнинг турли соҳаларида ва уй-рўзғор ишларида қўлланиладиган қурилма ва буюмлар намойиш этилди.

Мазкур анжуман доирасида Ўзбекистон-Россия ва Россия-Ўзбекистон ишбилармонлар кенгашларининг қўшма мажлиси, икки мамлакат ўртасидаги ёқилғи-энергетика, машинасозлик, қишлоқ хўжалиги, тўқимачилик, таълим каби соҳалардаги ҳамкорликка бағишланган давра суҳбатлари, "Луч", "Автоматика", "Анчар", "ТюменНИИгипрогаз" каби компания ва корхоналар маҳсулотларининг тақдимоти ўтказилди. Ўзаро ҳамкорликнинг янада тараққий этишига хизмат қиладиган ушбу тадбирда ҳар бир иштирокчи ўз маҳсулотларини намойиш этиш билан бир қаторда ўзини қизиқтирган тармоқ юзасидан тўла маълумот олиш, ҳамкорлик юзасидан музокаралар ўтказиш, битим ва шартномалар имзолаш ҳамда ўзаро фикр алмашиш имконига эга бўлди.

Қарийб бир ҳафта давом этган ушбу тадбир Ўзбекистон Республикаси вилоятлари билан Россия Федерацияси субъектлари ўртасида бевосита ҳамкорликни, икки мамлакатдаги тармоқ корхоналарининг шериклик алоқаларини янада ривожлантиришга кенг йўл очди. Мазкур кўргазма келгусида кўплаб янги келишув ва битимлар тузишга хизмат қилиши билан ҳам аҳамиятлидир.

**Нодира МАНЗУРОВА,**
**ЎзА мухбири.**

**РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ ОЧИҚ «АУКЦИОН» САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ !**

**РКМБ Қашқадарё вилояти филиали Суд департаментининг Қашқадарё вилояти ҳудудий бошқармаси билан ҳамкорликда, РКМБ Қашқадарё вилояти филиали биносида 2007 йил 18 декабрь куни соат 10.00 да аукцион комиссияси иштирокида, объектнинг бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошириб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидагилар қўйилмоқда:**

Жиноят ишлари бўйича Қашқадарё вилояти судининг 2007 йил 23 июлдаги 2-119-06-сонли ижро варақасига асосан Қарши шаҳар Суд ижрочилари бўлинмаси томонидан хатланган қуйидаги мулклар:

**1. Фуқаро Т.Сафаровга тегишли, Қарши шаҳри, Навоий маҳалласи, Жайхун кўчаси, 1 (14)-уй, 2000 йилда қурилган, пойдевори бетон, девор ва оралиқ деворлари пишиқ ғишт, ёпилмаси темир-бетон, том қисми шифер, 2 қаватли, умумий майдони 5314 кв.м., бино тўлиқ қуриб таъмирланмаган.**
**Бошланғич баҳоси — 68 227 000 сўм.**

**2. Фуқаро Г.Рауповага тегишли, Қарши шаҳри, Навоий маҳалласи, Жайхун кўчаси 1 (12)-уй, 2000 йилда қурилган, пойдевори бетон, девор ва оралиқ деворлари пишиқ ғишт, ёпилмаси темир-бетон, том қисми шифер, 2 қаватли, умумий майдони 7514 кв.м., бино тўлиқ қуриб таъмирланмаган.**
**Бошланғич баҳоси — 68 459 000 сўм.**

Ушбу мулклар билан суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

**ИЗОҲ: ушбу савдода сотилмай қолган мулклар 2008 йил 3, 22 январь ва 12 февраль кунлари ўтказиладиган аукцион савдоларига қайта қўйилади.**

**АУКЦИОН САВДОСИ ШАРТЛАРИ**

Аукцион савдосида қатнишиш учун аризалар эълон чоп этилгандан бошлаб ҳар куни (дам олиш кунлари ва байрам кунларидан ташқари) соат 9.00 дан 18.00 гача Республика Кўчмас мулк биржаси Қашқадарё вилояти филиали (Қарши шаҳри, Муҳаррам Абдуллаева кўчаси, 20-уй)да қабул қилинади. Аризаларни қабул қилиш савдодан бир кун олдин тўхтатилади. Аукцион савдосига ўз вақтида ариза берган ва сотилаётган объектлар дастлабки баҳосининг 10 фоизи миқдорида закалат пулини тўлаган жисмоний ва ҳуқуқий шахслар киритилади.

**САВДОГА ҚАТНАШИШ УЧУН КЕРАКЛИ ҲУЖЖАТЛАР:**

- жисмоний шахслар учун — паспорт ва 10 фоиз закалат пули тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат (квитанция);
- ҳуқуқий шахслар учун — корхона ёки фирма низоми, давлат рўйхатидан ўтказилгани тўғрисида ҳокимлик қарори, паспорт ва 10 фоиз закалат пули тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат (тўлов топшириқномаси).

**БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ:** РКМБ Қашқадарё вилояти филиали ҳисоб рақами: 20210000200571452006, Қарши шаҳар «Асака» банки, МФО 00194, ИНН 200933850.

**МУРОЖААТ УЧУН МАНЗИЛ:** Қарши шаҳри, М.Абдуллаева кўчаси, 20-уй.
Телефон: 225-44-58.

**«Крокус Газ Сервис» ҚК**

**«Газдевайс» ЁАЖ ва «Сигнал» ЭАБнинг Ўзбекистон ҳудудидаги расмий вакили бўлиб, турли русум ва катталикдаги қозонларни таклиф этади:**

- горелка ўрнатилган, газда ишлайдиган иситиш ва сув иситиш қозонлари *(200 кВт ва 400 кВт);*
- буғ қозонлари *(соатига 500 кг.дан 4000 кг.гача);*
- икки йўналишли (каналли) сув иситиш қозонлари *(100 кВт ва 200 кВт);*
- ерга ўрнатиладиган, иссиқликни алмаштирувчи найсимон қозонлар *(7 кВт дан 16 кВт гача);*
- ерга ўрнатиладиган, иссиқликни алмаштирувчи пластинкасимон қозонлар *(20 кВт дан 100 кВт гача);*
- ерга ўрнатиладиган, иссиқликни алмаштирувчи икки контурли пластинкасимон қозонлар *(10 кВт дан 40 кВт гача).*

***Қозонлар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга.***
***Барча қозонлар учун кафолат — 24 ой.***

**Кўргазмалар ва сервис марказлари манзиллари:**
**1. Тошкент ш., «Миробод» (собиқ «Госпитал») бозори, саноат моллари қаторида жойлашган 1-дўкон. Тел.: 306-40-39, 133-44-73.**
**2. Тошкент ш., С. Азимов ва «Ўзбекистон овози» кўчалари кесишган жойда (Мўлжал: Шастри ҳайкали, эски ҳайвонот боғи). Тел./факс: 132-21-22, 176-77-34.**

**РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ**
**томонидан нархлари ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига марҳамат қилинг!**

**Аукцион савдоси 2007 йил 27 декабрь куни соат 12.00 да Сирдарё вилояти Гулистон шаҳридаги «Бизнес маркази» биносининг 3-қавати, 56-хонасида бўлиб ўтади.**

| Кўчмас мулк номи | Суд ижрочиси | Ижро ҳужжати | Манзили | Бошланғич нархи |
|---|---|---|---|---|
| Омборхона биноси | Суд департаментининг Сирдарё вилояти ҳудудий бошқармаси | Сирдарё вилояти Хўжалик судининг 2005 йил 30 августдаги 12-0501/616-сонли ижро варақаси | Сирдарё шаҳри, Гулистон кўчаси «Сирдарёвино» ОАЖ биноси | 37 332 826 сўм |

Аукцион савдоларда иштирок этиш учун харидорлардан аризаларни қабул қилиш ва расмийлаштириш савдо бошланишидан бир кун олдин соат 16.00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш учун харидор объект бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пули тўғрисидаги тўлов топшириқномасини расмийлаштириб РКМБ Сирдарё вилояти филиалининг қуйидаги ҳисоб рақамига ўтказиши шарт: **Миллий банкнинг Гулистон шаҳар бўлими, х/р 20210 000 900 571 452 054, МФО 00636, ИНН 200 933 850.**

Тадбиркорлик фаолиятингиз юксалиши учун Республика Кўчмас мулк биржаси савдоларида иштирок этинг!

***Кўчмас мулк — кетмас давлат! Савдоларга марҳамат!***

